



# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил  
 1 июлдан  
 чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 162 (11.723)

Баҳоси эркин нарҳда



## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Истиқлолнинг қутлуг санасини муносиб кутиб олиш учун ҳар бир туманда кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Юнусобод тумани аҳолиси ҳам барча соҳаларда гайрат-шижоат билан меҳнат қилиб, Мустақилликнинг ўн тўққиз йиллик шодиёнасини ўзига хос ютуқлар билан кутиб олишга ва шу жараёнда ёрқин из қолдиришга азму қарор қилган. Фусункор, кўркем, улғворлиги билан кўзга ташланаётган ушбу туман аҳолисининг ҳамжиҳатлиги, меҳр-оқибатлиги, ҳамкор ва ҳамқадамлиги билан ҳам ажралиб туради.

### ЮНУСОБОД ТУМАНИ: БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДА

2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида Юнусобод туманида ҳокимлик ва корхона-ташкilotлар томонидан ҳамжиҳатликда барча чоралар кўрилиб, ижобий натижаларга эришилди. Чунончи, 121,4 миллион сўмлик маҳсулот ва хизматлар экспорт қилиниб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 139,1 фоизни ташкил қилди. Худудий экспорт дастурига киритилган корхоналарда экспорт ҳажми 4,4 миллион сўмини ташкил қилди ва белгиланган вазифа 139,8 фоизга бажарилди. Саноат маҳсулотлари ҳажми 108 фоизга таъминланди.



Туманда 296,7 нафар турли миллатга мансуб кишилар 66,3 минг оилага бирлашиб, аҳил-иноқликда, бир-бирларини қўллаб-қувватлаб яшаб келмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан жойларда амалга оширилган яратиш, яшатиш ва бунёдкорлик ишларидан кўзингиз қувнайди. Шу йилнинг ўзида 430 та кўча бўйлаб 12,1 минг дон

иғна баргли ва бошқа манзарали дарахтлар, 410,2 минг туп гул кўчатлари экилган. Куз-қиш мавсумига иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фондини тайёрлаш дастури бўйича ҳам айтишга арзигулик ишлар амалга

оширилмоқда. 13 та кўп қаватли уй таъмирланди, олти уйнинг муҳандислик тизимлари янгиланди. 62 та уйнинг ташқи қисми таъмирдан чиққан бўлса, 3001 та йўлакдаги ёриткичлар тикланиб, 55 та лифт жорий таъмирдан чиқарилди. 319 та уй-жой атрофидаги ноқонуний қурилмалар йўқотилди.

Туманда олиб борилаётган ҳар бир соҳадаги иш негизда юртимиз раванга, халқимиз тинчлиги, хонадонларимиз осойишталиги, фаровонлиги ва ёшларимизнинг бахтли келажаги мужассамдир.

Бир сўз билан айтганда, Юнусобод тумани аҳолиси Истиқлолнинг шодиёнасини кўтаринки кайфият ва муносиб совғалар билан кутиб олишга астойдил бел боғлаган.

**(Юнусобод туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)**

Истиқлолимизнинг 19 йиллиги арафасида «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази аҳоли ўртасида сўров ўтказди.

### ЎЗБЕКИСТОН: 19 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИ

Бундан кўзланган мақсад мамлакатимиз ушбу давр мобайнида босиб ўтган тарихий йўл, ҳаётимизнинг барча жаҳаларида амалга оширилган кенг кўламли туб ўзгаришлар натижалари, эришилган ютуқлар фуқароларимиз томонидан қандай баҳоланаётганини аниқлашдан иборат эди. Сўровда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри аҳолиси иштирок этди.

Сўров давомида олинган маълумотлар, ўтган йилларда ўтказилган тадқиқотлар натижалари билан таққосланганда, юрдошларимиз мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллигини ўз мамлакатини, унинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда ривожлангани, жаҳон ҳамжамиятида обрў-эътибори янада юксалганидан фахрланиш ҳисси билан кутиб олаётганини кўрсатди.

Сўров қатнашчилари мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни сақлашни мустақилликнинг энг асосий ютуқларидан бири, деб ҳисоблайди. Фуқароларнинг аксарияти (90 фоиздан ортиги) кучли ижтимоий сиёсат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш учун пойдевор яратиш, саноат, соғлиқни сақлаш, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасини ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларимизнинг замонавий қиёфасини шакллантириш, ҳаётимизнинг барча жаҳаларини модернизация қилишда кўлга киритилган салмоқли ютуқларни алоҳида қайд этдилар.

(Давоми 2-бетда).

### МАЛАЙЗИЯДА ДАВРА СУҲБАТИ

Мамлакатимизнинг Малайзиядаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда «Seloga Petroleum Sdn.Bhd.» компанияси ижрочи директори, Малайзиянинг Ўзбекистон Республикасидаги собиқ элчиси Редзуан Кушайри, ушбу мамлакатдаги АСЕАН юридик уюшмаси фахрий котиби С.Раҳақришнан ва Малайзия Тadbirkor аёллар уюшмаси президенти Норазица Борхон каби Малайзия сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий доираларининг етакчи вакиллари иштирок этди.

Тadbirkor қатнашчиларига мамлакат раҳбарияти томонидан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар ҳамда Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Малайзиянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Редзуан Кушайри Тошкентда Осиё Тараққиёт банки, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитларининг муваффақиятли ўтказилганлигига тўхталиб, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи тобора ортиб бораётганини, шунингдек, Малайзия Ташқи ишлар вазирлиги А.Амнинг жорий йил июль ойи ўрталарида Тошкентга амалга оширган ташрифининг муваффақиятли ўтганини юқори баҳолади. Унинг фикрига кўра, кўлга киритилган бу каби ютуқларнинг барчасида мамлакатнинг миллий манфаатлари, икки ва кўп томонлама, ўзаро тенг ҳуқуқлилик ва ишончга асосланган муносабатларни йўлга қўйишда ўзаро ҳурмат тамойилларидан келиб чиққан ҳолда оқилона сиёсат юритаётган Президент Ислам Каримовнинг ҳиссаси бекиёсдир.

«MNV International Sdn. Bhd.» компанияси ижрочи раиси ўринбосари Палани ўз маърузасида

мамлакатда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон ҳукумати амалга ошираётган саъй-ҳаракатлар, қабул қилинаётган қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар, шунингдек, соҳанинг ҳозирги кундаги аҳоли ҳамда унинг фаолият доирасини кенгайтириш истиқболлари алоҳида тўхтади.

Малайзия Тadbirkor аёллар уюшмаси президенти Норазица Борхон хонимнинг айтишича, Ўзбекистон раҳбарининг иқтисодиётда ҳар томонлама пухта ўйланган ва асосли ислохотлар стратегиясини амалга ошириш ҳозирги кунда юритаётган оқилона сиёсати, ўз вақтида ишлаб чиқилган инкирозга қарши чоралар дастури глобал рецессия шароитида бутун дунёга ва Ўзбекистоннинг инкироздан зарар кўрмаслигига шубҳа билан қарайдиган айрим шахсларга ўзининг самардор эканлигини исботламоқда.

«Ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш дастури Марказий Осиёнинг бошқа давлатларидан анча ажралиб турувчи Ўзбекистоннинг юқори макроиқтисодий кўрсаткичлари гарови бўлди», дея қайд этди эксперт.

Тadbirkor сўзга чиққанлар шиддат билан ўзгариш бораётган глобал дунёда ёшлар тарбиясига катта эътибор қаратаётган давлатлар жуда кам эканини алоҳида қайд этди. Таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Баркамол авлод йили» давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кўпжа тадбирлар Президент Ислам Каримовнинг узоқни кўзлаб юритаётган оқилона сиёсатидан далолат беради.

«Жаҳон» АА,  
 Куала-Лумпур

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Хитой Халқ Республикаси ишбилармон доиралари вакилларида иборат делегациянинг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон-Хитой бизнес форуми бўлиб ўтди. Тадбир давомида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва «China Foreign Trade Centre» компанияси ўртасида икки томонлама битим имзоланди.

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 19 йиллиги ва Ҳиндистон Республикаси мустақиллигининг 64 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Дўстлик жамиятлари кенгаши, Ўзбекистон-Ҳиндистон дўстлик жамияти ва Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

● Қарши шаҳридаги «Пахлавон» фирмаси бунёдкорлари Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 19 йиллигига муносиб тўхта ҳозирладилар. Дехқонобод тумани марказида улар томонидан 150 ўринли замонавий шифохона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда бу ерда 20 нафар шифокор, 60 нафар ўрта махсус тиббиёт ходими эл саломатлиги йўлида хизмат қилаяпти.

● Энг улғу, энг азиз байрам арафасида Бухорода «Она замин саховати» деб номланган анъанавий «Қовун сайли» тадбири ўтказилди. Сомонийлар маданияти ва истироҳат боғида уч кун давомида бўлиб ўтган тадбирда қатнашган 150 дан ортиқ фермер хўжаликлари сайлда қатнашган шаҳарликлар ва меҳмонлар эътиборига минг тоннадан ортиқ қовун, етти юз тоннадан кўпроқ тарвуз маҳсулотларини тортиқ этишди.

● «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида Учқудуқ тумани ҳокимлиги ташаббуси билан кам таъминланган оилаларнинг уйда таълим олаётган 8 нафар жисмоний имкониятлари чекланган фарзандларига компьютер жамланмалари совға қилинди.

● Сирдарё вилоятининг Сардоба, Боёвут, Сирдарё туманларидаги Наврўз, Дехқонобод, Пахтазор маҳаллаларида қурилган 60 та намунавий уйга қувурлар тортилди, аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

● Фарғона вилояти Ёзёвон туманида ташкил этилган «Хайрот ал водий» хусусий корхонаси олча, шафтоли ва ўрикнинг янги ҳосилидан мева шарбатлари ишлаб чиқаришни бошлади. Бу ерга ўрнатилган Европа технологиялари бир вақтнинг ўзида жемлар, повидоллар, маринад ва томат пастасини тайёрлаш имконини беради. Корхона маҳсулотининг асосий қисми Россия ва Қозғистонга экспорт қилинмоқда.

### ЖАҲОНДА

● Кеча Нью-Йоркда БМТ Бош ассамблеясининг сув тошқинларидан катта зарар кўрган Покистонга ёрдам кўрсатиш масаласига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Покистонга бориб келган БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг маърузаси тингланди. Таъкидлаш кераки, табиий офатдан Покистоннинг 15,5 миллион аҳолиси жабрланган бўлиб, уларга зудлик билан 460 миллион долларлик инсонпарварлик ёрдами талаб этилади.

● Эртага Эронда Россия ёрдамида бунёд этилган Бушер атом электр станциясининг биринчи блокнинг ишга туширилиши мўлжалланмоқда. Эрондаги дастлабки АЭСнинг ишга туширилиши МАГАТЭ мутахассислари назорати остида амалга оширилади.

● Жанубий Корея раҳбари Ли Мен Бак ҚХДР билан бирлашиш режасини таклиф қилди. Жанубий Корея мамлакати парламент кўмиталаридан бири-ниш билдиришича, шимол билан бирлашиш жараёни учун Сеул таҳминан 1,3 триллион долларлик харажатни зиммасига олиши керак.

● Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида дунёдаги энг катта соат ўрнатилди. Ушбу соат муборак Рамазон ойи бошланиши кунини Саудия қироли буйруғи билан ишга туширилди. Лондондаги Биг-Бен соатидан ҳам улкан бўлган ушбу соат Германияда тайёрланган. Соат миллари ўлчами 45 га 43 метр бўлиб, уни 10 миллион киши кундузи 12 километр, тунда 17 километр узоқликдан бемалол кўришлари мумкин.

### ҚИСКА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ «БОЛАЛИКНИНГ манзили – Ўзбекистон» - ушбу шиор остида «Камолот» ЁИХ шаҳар бўлими томонидан жойларда ёшлар фестиваллари ўтказилмоқда.


✓ «ШОФАЙЗИБОҒИ» маҳалласида Тadbirkor ва ишбилармон аёллар бирлашмаси ташаббуси билан хунармандчилик билан шуғулланиб келаётган хотин-қизларнинг ижод намуналари кўргазмаси ташкил этилди.

✓ БУГУН «Учтепа» спорт мажмуасида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар филиали ташаббуси билан мини-футбол бўйича Мустақиллик кубоғи турнири бошланди. Мусобақа голиблари эртага аниқланади.

✓ ЖИСМОНИЙ имконияти чекланганлар жамиятининг бир гуруҳ аъзолари учун ҳомийлар ташаббуси билан Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрига ташриф уюштирилди.



## ЮНУСОБОД ТУМАНИ: БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДА



### ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- «Юнусобод» маҳалласида 12 нафар невра, 31 эвара ва олти чеваранинг меҳрибон бувижониси Лазокат Искандарова Истиқлолиятнинг 19 йиллиги арафасида 100 ёшни қаршилади. Фирдавсий номли маҳаллада яшовчи ўн фарзанднинг онаси, 32 невра ва 25 эваранинг суюкли бувижониси Ханипа Худойберганава тўксон йиллик тўйини яқинлари даврасида нишонлади.
- Жорий йилда туманда 55 та болалар майдончаси қурилди.

- М.Улугбек номидаги маҳалла маслаҳатчиси Муҳаббат Мусахўжаева «Энг яхши диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» кўрик-танловининг республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.
- 2009-2010 ўқув йили яқунларига кўра, туман мактабларида тўққизинчи синфни битирган 4832 нафар ёшлар академик лицей ва касб-хуна колледжларида таълимни давом эттиришди.

«Уста Ширин» маҳалласи ҳам ҳар бир ишда барчага ибрат бўлиб, тўю маракаларини ҳам жиҳатликда, ҳамкорликда олиб бораётган маҳаллалар сирасига киради.

— Маҳалланинг давлат ва жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётидаги мақомини янада мустаҳкамлашда ҳар бир фуқаронинг бирдай масъуллиги муҳим аҳамиятга эгадир, — дейди маҳалла оқсоқоли Анвар Юсупов. — 10,3 гектар ҳудудда жойлашган бизнинг маҳаллада тўрт мингга яқин киши истиқомат қилади. Улар ма-

**Маҳалла барчамизни бирлаштириб турадиган, бир-биримизга меҳр-оқибатли қиладиган муқаддас даргоҳ саналади. Маҳаллада биз тинч-тотув, хотиржам ва фаровон ҳаёт кечирамиз.**

ҳалла ҳаётида фаол қатнашиб, айниқса тadbиркорликни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшишмоқда. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам қилиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, кекса ав-

лодга алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, ёш иқтидорларни рағбатлантириш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратмоқдамиз. Мақсадимиз аҳоли фаровонлигини янада ошириш, яхши кунлар

завқи билан яшашдир. Муқаддас гўша — мазҳаб ҳалла ҳар биримиз учун азиз ва муқаррамдир. Дарҳақиқат, «Уста Ширин» маҳалласида олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовордир.

Айниқса маънавий-маърифий йўналишдаги тadbирлар негизда миллий анъаналаримизни янада эъзозлаш, ўзбекона русумларимиз бирлигида ёшларга шарқона тарбия бериш, маҳалла тинчлиги ва хотиржамлигини ҳимоялаш ишлари яхши йўлга қўйилган. Мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан маҳаллада ободонлаштириш ишлари кўнгилдагидек олиб борилмоқда. Байрам муносабати билан кам таъминланган оилаларга алоҳида меҳр-саховат кўрсатиш ҳам режалаштирилган.

**Ички бозоримиздаги кенг турдаги маҳсулотлар сифати, рақобатбардошлиги, импорт ўрнини босиши билан алоҳида ажралиб туради. Асосийси, ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини замонавий технологияларни қўллаган ҳолда тайёрлаб беришмоқда.**

### ЭЛГА МАДАДКОР

«Жалил Плюс» масъулияти чекланган жамияти замон билан ҳамнафас фаолият юритаётган корхоналар сирасига киради. 20 нафар малакали тикувчи меҳнат қилаётган бу корхонада ўттиз турдан ортиқ сифатли трикотах маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонада асосан мактаб ўқувчилари формалари, болалар футболкалари, аёллар кийимлари, бош кийим, қўлқоплар буюртма асосида тикилади. Асосий эътибор харидор дид ва эҳтиёждан, бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот сифати, буюртмалар ўз муддатида бажарилишига қаратилмоқда.

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик ривожига қаратилган юксак эътибор туфайли мазкур соҳанинг иқтисодий ҳаётидаги улуши ҳам ортиб бормоқда, — дейди «Жалил Плюс» масъулияти чекланган жамияти директори Бахтиёр Каримов. — Тadbиркорлар сафининг кенгайиши эса ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотларда, жаҳон андозалари даражасида хизматлар кўрсатилишида, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг маҳсулотларимиз сифати юқори бўлиб, таннархи нисбатан арзон бўлганлиги сабабли ҳам аҳолининг талаби катта бўлмоқда. Янги лойиҳалар устида изланишлар давом этмоқда. Маҳсулотларимизни қўшни давлатларга экспорт қилишни режалаштирганмиз.

### СОҒЛОМ АВЛОД — КЕЛАЖАК ИСТИҚБОЛИ

**Ёш авлодни соғлом ва комил инсон қилиб вояга етказиш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий муҳофазалаш мамлакатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир.**

Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган 405 ўринга эга 1-шаҳар болалар клиник шифохонасида ҳам бу йўналишда кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Навқирон авлоднинг соғлигини мустаҳкамлаш ва ҳимоялаш ишларини юксак даражага олиб чиқиш, ихтисослашган тиббий хизмат ютуқларини педиатрия соҳасига кенг татбиқ қилиш мақсадида шифохонада самарали ишлар олиб борилмоқда. 116 нафар тажрибали шифокор, 390 дан зиёд ҳамшира фаолият олиб бораётган ушбу муассасада янги туғилган чақалоқлардан тортиб, 15 ёшгача бўлган ўғил-қизлар даволанади.

— Болажонлар шифо топиши учун барча шарт-шароитлар яратилган, — дейди бош шифокор Мавлуда Табибова. — Пульмонология, неврология, кўз микрожарроҳлиги, алергология каби бўлимларда юқори малакали мутахассислар хизмат кўрсатиб келмоқда. Улар-

нинг саъй-ҳаракатлари билан йил давомида йигирма мингдан ортиқ чақалоқ ва болажонлар шифо топди. Беморларнинг саломатлигини тиклаш, уларга аниқ тахсис қўйиш, шовилинч ва самарали муолажалар қилиш, лаборатория натижаларининг мукамал ижросини таъминлаш юқори даражададир. Шифохонамизнинг реанимация бўлими 89 минг АҚШ доллари миқдоридagi Япония гранти асосида янги тахсис аппарати билан жиҳозланди. Урология, чақалоқлар жарроҳлиги, йирингли септик касалликлар кафедраларида шифокорлар малакасини ошириш ва тиббий хизмат самарасини ошириш бўйича ишлар изчил йўлга қўйилган. Шифокорларимиздан Саида Йўлдошева, Машҳура Исроилова, ҳамшираларимиз Меҳри Одилова, Зилола Асадуллаева каби ўз касбининг жонқурлари кечаю кундуз болажонлар саломатлиги йўлида хизмат қилади.

Саҳифа материалларини Гулчехра ДУРДИЕВА тайёрлади.  
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

## ЎЗБЕКИСТОН: 19 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сўров шуни кўрсатдики, мустақилликнинг 19 йили давомида Ўзбекистонимиз эришган ютуқлар асосида Президентимиз Ислам Каримов томонидан узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ҳар томонлама чуқур ўйланган, оғир-вазмин, оқилона ички ва ташқи сиёсат мужассам. Мамлакатимиз аҳолисининг давлатимиз раҳбарига ишончи ғоят юксак бўлиб, бу, биринчи навбатда, мамлакатимизда сақланаётган барқарор сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазият, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори тобора юксалаётгани, мустақиллигимизнинг янада мустаҳкамлашиб бораётгани билан боғлиқдир.

Давлатимиз раҳбари узоқни кўзлаб амалга ошираётган сиёсат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимизга салбий оқибатларини юмшатиш имконини берди. Ўз вақтида қўрилган чоралар туфайли юртимиз иқтисодиётига унинг салбий таъсир кўрсатишининг олди олинди.

Тадқиқот натижалари фуқароларимиз онгу шуурида миллий истиқлол гоёси йилдан-йилга мустаҳкамлашиб, устувор аҳамият касб этаётганини кўрсатди. Сўров давомида Ўзбекистонда жамоатчилик фикри юксак ижтимоий кўтаринкилик ва келажакка барқарор ишонч билан ифодаланиши яққол намойён бўлди. Фақат мустақил давлатдагина фуқаролар ўзини эркин ва мамлакатининг тенг ҳуқуқли эгаси, деб ҳис қилади ҳамда унинг тақдирини ўзининг жавобгарлигини теран англайди. Сўралганларнинг 95,1 фоизи мамлакатимиз ўз олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиб, юксак даражада ривожланган ҳамда фаровон давлатга айланишига ишонди. Сўров қатнашчилари мамлакатимиздаги тинчлик, барқарорлик ва тотувлик, ҳамюртларимизнинг эртанги кунга қатъий ишончи, аҳоли турмуш даражасининг мунтазам ошиб бораётгани, тобора кенгайиб бораётган халқаро ҳамкорлик, табиий ресурсларимизнинг бойлиги жонажон Ватанимизнинг гуллаб-яшнашини таъминлайдиган асосий омиллардир, деб ҳисоблайди.

Фуқароларимизнинг жамият ҳаётининг кўплаб жабҳаларида амалга оширилаётган ишлардан қониқиши ортиб бораётир. Тадқиқотда қатнашганларнинг аксарияти кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш учун яратилган шарт-шароит, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш даражаси, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида ишлардан қониқиш ҳосил қилади. Мисол учун, аҳолининг кўпчилиги (86,6 фоизи) фуқароларимизнинг қонунга, юзага келади-ган барча масалаларни қонуний асосда ҳал этишга интилиши ортиб, деб ҳисоблайди. Уларнинг 76,4 фоизи Ўзбекистонда оилалар янада мустаҳкам бўлмоқда, 86,7 фоизи жамиятимизда хотин-қизларга нисбатан ҳурмат юксалди, деган фикрга қўшилиди. Фуқароларимизнинг ижтимоий институтларга нисбатан муносабатларидаги ушбу ижобий омиллар истиқлол йилларида жамоатчилик фикрида ва қадриятлар тизимида жиддий ижобий ўзгаришлар рўй берганидан далолатдир.

Барча фуқаролар учун ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, моддий ва ижтимоий мақомини ошириш имкониятларини берадиган шарт-шароитларнинг яратилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг муҳим вазифаларидан биридир. Жамоатчилик фикрида мамлакатимизда амалга оширилаётган барча туб ўзгаришлар замирида инсон манфаати мужассамлиги ҳақидаги қатъий ишонч мустаҳкамланаётгани яна бир қарра исботланди. Сўров натижалари шундан далолат берадики, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятли рўёбга чиқарилаётгани туфайли Ўзбекистон аҳолисининг фаровонлиги ошиб бораётир.

Тадқиқот натижалари республикамиз аҳолисининг қарийб 100 фоизи Ўзбекистон жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб тургани билан фахрланишидан далолат беради. Фуқароларимизнинг кўпчилигида, айниқса, ёшларда ватанпарварлик ҳиссининг ортгани мустақиллигимизнинг муҳим ютуқларидан биридир. Ўз мамлакат билан фахрланиш ва унинг учун жавобгарлик ҳис-туйғуси жамиятни бирлаштирувчи омил бўлиб, бу мамлакатимизда тинчлик-тотувликни янада барқарорлаштириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Сўров натижалари юртимизда истиқлол йилларида эришилган ютуқлар ватандошларимизнинг ижтимоий кайфиятига кўтаринкилик бағишлаётганини кўрсатди. Бу аҳолининг барча ижтимоий қатлам ва гуруҳларига ҳосдир.

Мухтасар айтганда, ижтимоий тadbиркорлик натижалари жамоатчилигимиз Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ва Ўзбекистонимизнинг иқтисодий ҳамда сиёсий тараққиётини янада мустаҳкамлайдиган стратегик ислохотларни қўллаб-қувватлаётганидан далолат бермоқда. Зеро, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, барқарорлик, халқимизнинг мустақил Ватанимизнинг фаровон келажаги йўлидаги ҳамжихатлиги бунинг мустаҳкам кафолати бўлиб хизмат қилади.

«Ижтимоий фикр» материаллари асосида Ўза шарҳловчиси Л.Струникова тайёрлади.

**Ҳар бир шаҳарнинг ўз қиёфаси, меъморий ечимларга эга бўлган кўриниши мавжуд. Зеро, шаҳарлар унда яшаётган халқ руҳияти, кайфияти ва турмуш тарзининг ифодаси билан намоён бўлади ва шаклланади. Бироқ шундай иншоотлар борки, улар дунё мамлакатларининг умумий қарашларини ўз атрофида бирлаштириб туради. Улуғвор ва нурафшон Тошкент телеминораси шахримизнинг кўрқига кўрк, ҳусни тароватига улуғворлик ва салобат бағишлаб турган осмон билан бўйлашган пурвиқор иншоотлардан биридир.**

— Баландлиги 375 метр бўлган Тошкент телеминораси ўзининг турдошлари орасида Ўрта Осиёда ягона ва энг баланд бино ҳисобланади, — дейди биз билан бўлган суҳбатда телеминора директори Рустам Раҳмонбердиев. — Қурилиши сақиз йил давом этган телеминора 1985 йил 15 январда фойдаланишга топширилган. 1991 йили Жаҳон буюк миноралар федерациясига аъзо бўлган. Бугунги кунда дунёнинг 200 дан ортиқ миноралари орасида баландлиги бўйича тўққизинчи ўринни эгаллаб турибди. Тошкент телеминораси, юқорида айтилганидек, Ўрта Осиёда биринчи, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар доирасида эса Москвадаги «Останкино» минорасидан кейин иккинчи ўринда туради. Телеминоранинг асосий вазифаси теле- ва радиозиттиришлар узатишдир. Шунингдек, унда бир қатор тижорат ташкилотларининг алоқа тизимлари ҳамда Ўзбекистон Гидрометеорология марказига қарашли юқори қузатувчанликдаги станциялар мажмуи фаолият кўрсатади. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, телеминора ноёб меъморчилик иншооти сифатида пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларининг сеvimли саёҳат маскани ҳамдир. Меҳмонларни қабул қилиш жамон саёҳат хизмати андозаларига мос равишда ташкил этилган. Бу ерга келган сайёҳларга телеминоранинг қурилиши, тарихи ва меъморий жиҳатдан ҳайратомуз ечимлари, бетакрор ўзига хослиги ҳақида ўзбек, рус ва инглиз тилларида маълумотлар берилди. Уларни томошагоҳга олиб чиқиш учун «Шиндлер» фирмасида ишлаб чиқарилган учта юқори тезликдаги лифт хизмат қилади. Лифт санокли сонияларда ташриф буюрувчиларни 100 метр баландлиққа олиб чиқади. Телеминоранинг 115 метр баландлиқдаги айлана

томоша майдонида 180 кишига хизмат қиладиган «Коинот» ресторанининг «Мовий» ва «Алвон» заллари мавжуд бўлиб,

олиш жойлари, салқин ичимликлар расталари, эсдалик совғалар бурчаги ишга тушди.

## Шаҳрим — фаҳрим МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

бу ерда мижозлар 120 метрлик баландлиқдан туриб, минора ўқи атрофида бир соат мобайнида бир марта айланадиган ҳаракатдаги оромгоҳда шахримизнинг гўзал манзараларини томоша қилиб, дам олиши мумкин. Телеминора пойида Тошкент аквапаркиннинг сунъий кўли ва ҳовузлари кишига завқ бағишлаб мавжлашиб туради. Фақат болажонларнинг эмас, катталарнинг ҳам юрагини ҳаприқтириб, завқ бағишлайдиган Тошкентленд аттракцион иншоотлари юқоридан қараган кишига янада сирли кўринади. Ўрмонзорни эслатиб турадиган қадимий бог орасида Ўзбекистонда энг йирик кўргазмалар мажмуаси жойлашган. Ундан сал нарида миллий ва замонавий меъморчилик тажрибаларини ўзида мужассам этган Ўзбекистон Миллий банки, «Интерконтиненталь-Тошкент» меҳмонхона мажмуаси, Халқаро бизнес-маркази кўрк тўкиб турибди. Қайси томондан қараманг, нигоҳингиз юқоридаги сирли ва мафтункор иншоотларнинг жилвақор нақшларига тушаверади. Жорий йилда минорамизда янги рақамли телевидение ускуналари ишга туширилди ва жадаллик билан мижозлар уланishi давом этмоқда. Ташқи кириш қисмида манзарали табиат кўриниши ташкил қилинди, ичкарида ҳам йирик ҳажмли гуллар, ташриф буюрувчилар учун дам

Дарҳақиқат, Тошкент телеминораси беқиёс гўзалликка эга ажойиб маскан ҳисобланади. Минора тарқатаётган тўққизинчи Тошкент шаҳри ва вилояти, Сирдарё вилоятининг бир қисми, шунингдек қўшни Қозғистоннинг жанубий туманларига етиб боради. Миноранинг денгиз сатҳидаги баландлиги 480 метрга тенг бўлиб, иншоотнинг умумий оғирлиги 6000 тоннадан кўпроқ, ҳажми 55 минг 500 куб метрни ташкил қилади. Асосий материаллари пўлат ва бошқа юқори сифатли металллардан иборат. Мустаҳкамлиги ва конструкция жиҳатдан пишиқлигини унинг ҳар бирининг баландлиги 93 метр бўлган учта конуссимон оёқлари устида ўрнатилганлигида кўриш мумкин. Минора антенна-ўтказгичларида ўрнатилган қизғиш-оловранг чирок тун қоронғусида ҳаво кемаларига ишончи ва хатарсиз йўл кўрсатади. Бу телеминоранинг ҳам амалда, ҳам рамзий маёқ эканидан далолатдир. Шунингдек, 220 метр баландлиқда Ўзбекистон телевидениесининг беш дастурли кўрсатувларини узатиб беришга мўлжалланган радио-телестанция ва антенна-узатгичлар ўрнатилган. Улар доирасимон шаклда, ташқи томондан ҳам, ички томондан ҳам панжара, миллий ганч ўймакорлиги ва бошқа турдаги меъморий аъёнлар асосида ишланган. Музейида эса Жаҳон буюк миноралар федерациясига



аъзо 22 та давлатнинг миноралари макетлари ва яратилиши тарихи тўғрисида маълумотлар берилган.

Манбаларда айтилишича, энг баланд миноралар инсон онг ва тафаккури, ақл-заковати самараси сифатида бутун дунёни ҳайрат ва ҳажонга солиб келади. Ана шундай мислисиз гўзалликка эга иншоотлардан бирининг шахримизнинг қоқ ўртасида жойлашгани қалбимизда чексиз ғурур ва ифтихор туйғуларини тугёнга келтиради. Осмон билан бўйлашган, юлдузлар билан сирлашган Тошкент телеминорасининг баландлиги, муҳандислик техник ечими, фусункор кўриниши нафақат республикамиз аҳолиси, балки дунё ҳамжамияти учун ҳам қувонч, хушундлик улашиши янада фахр бахш этади.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

## «КАМОЛОТ» ТАШАББУСИ

**Маълумки, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши томонидан Мустақиллик байрамининг 19 йиллигига бағишлаб ҳамда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилмоқда.**

Эзгу ғояни ўзида мужассамлаштирган лойиҳадан пойтахт маҳаллаларида «Юлдузлар ташрифи», «Юрт келажаги баркамол авлод кўлида» шиори остида маҳалла болаларининг музейлар, ҳайвонот боғига бепул ташрифлари, «Болаликнинг манзили — Ўзбекистон» ёшлар фестивали, жойларда аҳоли иштирокида «Соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш — баркамол авлод пойдевори» шиори остида давра суҳбатлари, кўплаб спорт мусобақалари, кўриктанловлар, маданий дастурлар ўрин олган.

Лойиҳа доирасидаги «Юлдузлар ташрифи» тадбири куни кеча Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил қилинди. Тадбирга яқин атрофдаги «Юзрабод», «Аҳиллик», «Тракторсозлар», «Азамат» маҳаллалари ёшлари ҳам тақдир қилинди. Карнай-сурнай навалари остида бошланган байрам тадбирида сўз олганлар бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишларида халқимизнинг беқиёс хизмати таъкидланди. Истиклолимиз шарофати билан ёшларга берилган кенг имкониятлар ҳақида тўққизинчи гапиришди. Шундан сўнг алоҳида майдончада «Ватанимни улуғлайман мен» мавзусида асфальтга расм чизиш, «Кувноқ эстафета», «Аппомиш ва Барчинойлар авлоди» шахмат-шашка ўйинларини ўз ичига қамраб олган беллашувлар, шеърхонлик, баҳру байт, айтишув, «Қизлар алла айтганда» танлови ташкил қилинди. Танлов якунлари ва иштирокчи фаол ёшларни қутлаш тадбирлари «Юлдузлар ташрифи» деб номланган маданий дастурга улашиб кетди. Ёш эстрада хонандалари Мадина Мумтоз ва Жамшид Абдузимов, «Ниҳол» муқофоти совриндори Сирожиiddин Файзиев томонидан ижро этилган куй-қўшиқларга барча рақсга тушди. Шу билан бир қаторда Ислому Уролов раҳбарлигидаги цирк усталари томонидан намойиш этилган қизиқарли дастур ҳам иштирокчиларга ҳақиқий байрамона кайфият улашди.

И. ДИЛШОДОВ

## САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

**Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими томонидан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда 102-мактаб қошидаги «Ғунча» оромгоҳида «Спорт — саломатлик гарови» шиори остида мусобақа ташкил этилди.**

Айтиб ўтиш жоизки, болажонларнинг ёзги таътил кунларини мазмунли ташкил қилиш мақсадида жамғарма уч ой ёз давомида барча оромгоҳларда мунтазам мусобақалар, танловлар, турли кўча тадбирлар ўтказиб келди. «Ғунча» оромгоҳида ташкил этилган мусобақада тарбияланувчилар ва 102-мактабнинг 6-синф ўқувчилари шахмат-шашка, стол тенниси бўйича беллашиб, шунингдек аппликация тўплашда чақонликларини намойиш этишди. Беллашувлар интерфаол тарзда кечди.

Тадбирни ташкиллаштиришда «Камолот» ЁИҲ қошидаги «Иқтидорли ёшлар мактаби» тингловчилари фаол иштирок этди. Оромгоҳнинг сўнгги, тўртинчи мавсумида ташкил этилган бу тадбир болажонларга маъқул бўлгани уларнинг кўзларида яққол акс топди.

Икки кун давом этган мусобақа ғолиб ва совриндорлари муносиб тақдирланди.

Акобир НОСИРХҲУЖАЕВ,  
Тошкент Ислам университети  
қошидаги академик лицей ўқувчиси

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

### Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очик тендер ўтказилади

Очик тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:

1. 2010 йил 23 сентябрь

соат 10<sup>00</sup>да

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Ҳаракат таркиби тури
1	9И	«Кўйлик М1 АШБ - Чилонзор буюм бозори АШБ»	Автобус
2	104М	«Чорсу савдо маркази АШБ - Тошкент туманидаги Тўлабий фермер хўжалиги»	Микроавтобус
3	113М	«Қорақамиш 2/4 мавзе АШБ - Малика фабрикаси бекати»	Микроавтобус
4	132М	«Кўйлик М3 АШБ - Астробод маҳалласи (Сувсоз мавзеси)»	Микроавтобус
5	145М	«Мажнунтол маҳалласи - Авиасозлар заводи бекати»	Микроавтобус
6	149М	«Авиасозлар АШБ - Бектемир тумани ИИБ бекати»	Микроавтобус
7	153М	«Олой бозори бекати - С.Раҳимов метроси бекати»	Микроавтобус
8	2М	«Уйғур кўчаси АШБ - Юнусобод 9-даҳа мавзеси»	Автобус
9	5М	«Ал Хоразмий мавзеси АШБ - Чилонзор метро бекати»	Автобус
10	8М	«Саодат савдо маркази - Юнусобод 19-даҳа мавзеси»	Автобус
11	10М	«Қорақамиш 2/4 мавзе АШБ - Фарҳод бозори»	Автобус
12	13М	«Авиасозлар АШБ - Юнусобод 6-даҳа мавзеси»	Автобус
13	14М	«Чилонзор 25- даҳа АШБ - Кўйлик М2 АШБ»	Автобус
14	34М	«Чилонзор метро бекати - Чилонзор 30-даҳа»	Автобус
15	48М	«Чилонзор метро бекати - Сирғали 3-даҳа мавзеси»	Автобус
16	7А	«Сувсоз мавзеси АШБ - Олой бозори АШБ»	Автобус
17	44А	«Авиасозлар АШБ - Уйғур кўчаси АШБ»	Автобус
18	50А	«Кўйлик М1 АШБ - Юнусобод 9-даҳа мавзеси»	Автобус
19	99А	«Сувсоз мавзеси АШБ - Жанубий вокзал АШБ»	Автобус
20	101А	«Улуғбек кўрғони - Бўзбозор АШБ»	Автобус
21	102А	«Янгиобод АШБ - Бинокор кўрғони»	Автобус
22	106А	«Тузель кўрғони - Аэропорт АШБ»	Автобус
23	110А	«Кўйлик М1 АШБ - ТТ3 АШБ»	Автобус
24	120А	«Барданкўл кўрғони - Пахтакор метро АШБ»	Автобус
25	124А	«Кўйлик М1 АШБ - Юқоричирик туманидаги Дўстлик фермер хўжалиги»	Автобус
26	63А	«Қорасув 1 мавзеси АШБ - Юнусобод 12-даҳаси АШБ»	Автобус

**Тендер ташкилотчиси** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртманомаларни қабул қилиш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги ЧОАКБ «Infinit BANK»даги 20210000504197971001 х/р (банк коди 01041, ИНН 204094453, ХХТУТ 51600)га **118 минг 900 сўм** ўтказилади.

Тендер тақлифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17<sup>00</sup>да) тўхтатилади.

**Тендер ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.  
**Маълумот учун телефон рақами:** 233-89-58.

### Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси, «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

**Аукцион савдосига такроран Ҳамза тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

1. Ҳамза тумани, Мўйноқ кўчаси, 241-уй манзилда сақланаётган: 1. «Камаз-5320» русумли, д/р 17М5325 бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 15.12.2009й, №28273/08. Бошланғич баҳоси — 20 105 820 сўм. 2. «Москвич-412» русумли, д/р 10J4722 бўлган, 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 14.05.2009й, №1-197/08. Бошланғич баҳоси — 972 000 сўм. 3. «Ваз-21061» русумли, д/р 11Х5785 бўлган, 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 31.07.2007й. Бошланғич баҳоси — 3 238 979 сўм. 4. «Дамас» русумли, д/р 10АВ821 бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 31.07.2007й. Бошланғич баҳоси — 6 010 294 сўм. 5. «Ваз-11183-110-20» русумли, д/р 30Т0344 бўлган, 2006 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 06.01.2008й. Бошланғич баҳоси — 9 158 281 сўм. 6. «Мерседес Бенц-190» русумли, д/р 30Х6212 бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 06.01.2008й. Бошланғич баҳоси — 8 943 563 сўм. 7. «Ваз-21033» русумли, д/р 10К8614 бўлган, 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 05.10.2009й. Бошланғич баҳоси — 2 022 367 сўм.

II. Ҳамза тумани, 4-тор Мўйноқ кўчаси, 15-А-уйда сақланаётган, «МАЗ-54322» русумли, д/р 3018985 бўлган, 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси ва унинг «МАЗ-9397» русумли, д/р 10С364 бўлган, 1989 йилда и/ч тиркамаси бирга қўйилмоқда, ижро ҳужжати 29.12.2008й, №1-765/2008. Бошланғич баҳоси — 27 928 369 сўм.

III. 13.04.2009 йилдаги 5-2/1161-сонли ижро ҳужжати асосан, 48238-сонли харбий қисмининг боғхона оմборида сақланаётган:

1. «Мерседес Бенц-609» русумли, д/р 10АS944 бўлган, 2000 йилда и/ч, тез ёрдам автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 13 875 585 сўм. 2. «Мерседес Бенц-609» ДКА русумли, д/р 10АW154 бўлган, 1990 йилда и/ч, тез ёрдам автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 9 000 959 сўм. 3. «Мерседес Бенц-609» ДКА русумли, д/р 10АW725 бўлган, 1991 йилда и/ч, тез ёрдам автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 9 697 778 сўм.

**Аукцион савдосига такроран М.Улуғбек тумани СИБ томонидан, 24.09.2008 йилдаги 1-172-08-сонли ижро ҳужжати асосан, Тошкент шаҳар Боғхона бошқармаси жарима майдонида сақланаётган, «Ниссан Алмера» русумли, д/р D439PXM бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 7 635 036 сўм.**

**Аукцион савдоси 2010 йил 14 сентябрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган акалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда акалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850., Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. [www.rkmb.uz](http://www.rkmb.uz)

Ёшлар — келажакимиз

## СУВ ҲАВЗАСИ — ЖОН РОҲАТИ

Айни кунларда энг улуғ ва азиз айём — Мустақиллик байрамининг 19 йиллиги арафасида янги спорт иншоотлари фойдаланишга топширилиб, айниқса болажонларга бир олам қувонч бахш этмоқда.

Собир Рахимов туманидаги «Сағбон» ёпиқ сузиш ҳавзаси ҳам замонавий тарзда капитал реконструкция қилинди. Замонавий қиёфага эга бўлган спорт иншоотининг фойдаланишга топшириш маросимида иштирок этганлар Юртбошимиз раҳнамолигида ёш авлод учун яратилаётган кенг имкониятлар ҳақида алоҳида тўхталиб, Баркамол авлод йилида бундай хайрли ишлар янада кенг тус олаётганини таъкидлашди.

— Сув спорти инсон саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Демак, бундай иншоотлар аҳоли турар жойларига яқин жойлашиши ҳам эътиборга лойиқдир, — дейди сузиш ҳавзаси директори Жаҳонгир Гийёсов. — Сузиш ҳавзаси тубдан таъмирланиши ҳатарида ҳавони янгилайдиган вентиляция, филтрлаш қурилмалари ўрнатилди. Болаларнинг йил давомида мунтазам шуғулланиши учун шароит

яратилди. Шу мақсадда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан 390 миллион сўм ажра-

тилди. Энди ён-атрофдаги «Эски шаҳар», «Ҳофиз Кўҳакий», «Кўштут», «Сағбон» ва «Чимбой» маҳалла ёшлари узоққа бориб

ўтирмай, шу ҳудуддаги ёпиқ ҳавза имкониятларидан тўла фойдаланиши мумкин.

Мазкур объектда қурилиш ва таъмирлаш ишлари тўрт ой давомида «Пойтахт қурилиш» ташкилоти томонидан амалга оширилиб, белгиланган муддатда битказилди. Бу ерда кунига 200-250 нафар болажонлар сузишга қатнашиши мумкин. Уларга мураббийлар ва йўриқчилар сабоқ берса, шифокор ва ҳамширалар соғлигини кўрикдан ўтказиб, керакли маслаҳатлар бериб боради.

Шоира МУҲАМЕДОВА



Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

## ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРИМИЗ БЎЙЛАБ САЁҲАТ

Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан пойтахтимиздаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари «Тошкент - Самарқанд - Бухоро - Тошкент» йўналишидаги икки кунлик саёҳатга чиқишди, деб хабар беради «Туркистон-пресс».

Юртбошимиз ташаббуси билан ёш авлод камолоти ва истиқболи йўлида амалга оширилаётган саёҳат-ҳаракатлар замирида уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб вояга етказиш мақсади муҳимдир. Бугунги кунда ўқувчиларга пухта билим бериш, уларни эзгу фазилатлар соҳиби этиб тарбиялаш баробарида ўзлимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона хуружлардан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида маънавий-ахлоқий қадриятларни кенг қўламада тарғиб қилиш, ёшларни тарихий меросимиздан баҳраманд этиш, уларнинг ҳуқуқий, тиббий ва экологик савод-

хонлигини ошириш, иқтидорини юзага чиқаришга имкон яратиш муҳим йўналишлардан этиб белгиланган.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ёш таътил мавсумини кўнглидагидек ўтказиш, мароқли дам олиши учун барча зарурий шарт-шароитлар яратилди. Айниқса мамлакатимиз бой тарихи, маънавий ва маданий меросини ўргатиш мақсадида қатор мақсадли ишлар олиб боришмоқда.

Икки кун мобайнида ўқувчи-ёшлар республикамиз тарихий обидаларини томоша қилиб, халқимизнинг улкан мероси, осори атиқалари билан яқиндан танишишди.

Азима ҚИЁСОВА

## Ҳурматли ишбилармонлар ва тадбиркорлар!

«Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» очик акциядорлик жамияти жамият ҳудудида жойлашган бинолардаги бўшаган майдонларни ижарага олишни таклиф қилади.

№	Фаолият тури	Сони	Майдони
1	Умумий овқатланиш	1	162
2	Умумий овқатланиш	1	148
3	Умумий овқатланиш	1	218
4	Умумий овқатланиш	1	302
5	Умумий овқатланиш	1	152
6	Умумий овқатланиш	1	169
7	Умумий овқатланиш (донали таом тайёрлаш)	1	72
8	Савдо бокслари (қишлоқ хўжалик маҳсулотлари)	5	36
9	Телефон алоқа хизмати	4	3-27
10	Офис	1	90
11	Бошқа турдаги	1	209,5
12	Бошқа турдаги	1	36

Манзилми: Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Тошкент автомобиль халқа йўли, «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ. Маълумот учун телефон: 295-96-52

## Спорт янгиликлари

«Пахтакор» марказий стадионига йиғилган мухлислар футбол бўйича уюштирилган Ўзбекистон Кубоги финалининг «Бунёдкор» — «Шўртан» жамоалари ўртасидаги учрашув гувоҳи бўлишди.

## «БУНЁДКОР» — БИЛЛУР СОВРИН СОҲИБИ

Учрашув тафсилотида тўхталишдан аввал шуни таъкидлаш жоизки, амалдаги чемпион «Бунёдкор» жамоаси ўтган йили ҳам Биллур совринни қўлга киритган, аммо бу йилги ўйиндан олдин бир неча етакчи футболчилар, легионерлар командани тарк этиши жамоани бирмунча қийин аҳволга солиб қўйди.

Ҳузурнинг «Шўртан» жамоаси эса ҳозирда миллий чемпионат ўйинларида эришаётган галабалари билан мутахассислару мухлислар олқишига сазовор бўлаётгани айтиш ҳақиқат. Ана шу сермахсуллик натижасими, ҳар ҳолда «Шўртан» ўз тарихида илк марта Ўзбекистон Кубоги финалида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Шу боис ҳам кўпчилик ушбу баҳсда ким галаба қозонишини аввалдан башорат қила олмади.

Дарҳақиқат, беллашув анча қизиқарли, тезкор, ҳужумкор, шиддатли курашлар ос-

тида ўтди. Ҳар икки жамоа дарвозалар томон тез-тез хавфли ҳужумлар уюштиришга ҳаракат қилди. Аммо биринчи бўлимда гол киритиш ҳеч бир футболчида насиб этмади.

Иккинчи бўлим ҳам ана шундай курашлар остида ўтди. Баъзи ҳолларда ғузурликлар томонидан ташкил этилган чиройли комбинациялар, хавфли ҳужумлар тошкентликлар ҳимоячилари ва дарвозабон Нестеровни шошириб қўйди. Лекин тажриба, маҳорат бобида барибир устунлик Миржалол Қосимов шоғирдлари тарафида бўлди. Ҳужумларнинг бирида Ристич томонидан киритилган гол «Бунёдкор»га 1:0 ҳисобидаги муҳим галабани тақдим этди.

Шундай қилиб, Миржалол Қосимов шоғирдлари яна Ўзбекистон Кубоги соҳиби бўлди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

## ТЕННИСЧИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида теннис бўйича хотин-қизлар ўртасидаги халқаро турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Влада Екшибарова саралаш мусобақаларидан муваффақиятли ўтиб, асосий тўр беллашувларига қўшилди.

В.Екшибарова саралаш учрашувларида россиялик теннисчилардан Александра Караваевани 6:0, 6:2, Дарья Тарасенкони 6:2, 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Энди истеъдодли спортчимиз асосий тўрнинг дастлабки бо-

сқичида мезбонларнинг яна бир вакиласи Надежда Гускова билан рақобатлашади. Халқаро турнирда қатнашаётган ҳамюртимиз Альбина Хабибулина эса биринчи учрашувини россиялик Ксения Кирилловага қарши ўтказди.

(ЎзА)

## ҲАМИОРТЛАРИМИЗНИНГ ИККИ МЕДАЛИ

Хитойнинг Шянгань шаҳрида каратэнг Бутунжаҳон каратэ федерацияси йўналиши (WKF) бўйича кадетлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида ёш спортчиларимиз муваффақиятли иштирок этди.

Қитъамизнинг йигирмадан зиёд давлатидан иқтидорли каратэчилар қатнашган мусобақанинг кумитэ баҳсларида татамига чиққан Достон Отаболаев кумуш медални қўлга киритган бўлса, қизлар ўртасидаги беллашувлардан Барно Мирзаева бронза медал билан тақдирланди.

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилми: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.



## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ҲИКМАТЛАР

Нединдур мутгасил  
озода савсан  
Ки, айтмас сўзини ҳеч  
кимга равшан.  
\*\*\*

Не учун сарв бўлди  
сабзу хуррам,  
Бошига арра қўйсанг  
урмас ул дам.  
\*\*\*

Ҳамеша ғунча бағри  
тўла қондур —  
Ки, хори ғам олинда  
нотавондур.  
\*\*\*

Нечаким одамий бўлса  
сухандон,  
Сўзинда бортурур бир  
турлу нуқсон.  
\*\*\*

Қизил тил юруги нуқсони  
жондур,  
Тилин тийган киши доим  
омондур.  
\*\*\*

Бу дунё аввалу охир аламдур,  
Алам бўлмас магар номи  
карамдур.  
\*\*\*

Биликлик киши урмас  
ўзидин лоф,  
Дам очмас бошина қўйсанг  
Кўҳи Қоф.  
\*\*\*

Ки, эрман деган этмас  
худфуруши,  
Кўлидин келса айлар айбўши.  
\*\*\*

Улуғлардин ярашур  
лутфу ахлоқ,  
Кичиклардин тавозуь  
бирла ишфок.  
\*\*\*

Бурунги яхшилардин бир  
масал бор  
Ки, қилма яхшилиқдин  
ўзга зинҳор.  
\*\*\*

Жаҳонда ўлмаган номи  
карамдур,  
Карамдин ўзгаси бори аламдур.  
\*\*\*

Ёмондин яхшилиқ келмас  
вужуда  
Ки, мумсиқ бўлмагай  
тенг аҳли жуда.  
\*\*\*

Кимунг бўлса карам  
феълу сифоти,  
Ёйилгай элга мундак яхши оти.  
\*\*\*

Улуғлардин карам  
яхши кўрунур,  
Карамсиз жон чекар  
беҳуда унур.  
(«Маҳобҳорат» достонидан)  
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ

Манзилми: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

## ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.  
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бўшқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
2765 нусxada босилади.  
Қоғоз бېғим А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

123 ± 5